



20_20y. «_6_» июль

№ К-316

«_» 20_ г.

Шеробод тумани “Наврӯз” массиви
“Узунсой” маҳалласи худудидан
9206 ҳарбий қисмга “Чегара қўриқлаш
взводи” қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 01 июлдаги 03-02/414-сон йиғилиш баёни, Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 25 июндаги 01-05/802-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 01 июлдаги 03-02/375-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Наврӯз” массиви “Узунсой” маҳалласи худудидан 9206 ҳарбий қисмга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 144қ-дала контуридаги 2,0 гектар лалми ер майдони “Чегара қўриқлаш взводи” қуриш учун доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур карор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов